

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 26 август, № 180 (7682) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# СЕН — ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ТОРКУНОВ АНАТОЛИЙ ВАСИЛЬЕВИЧНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, гуманитар соҳадаги кўп йиллик самарали ҳамкорликни ҳамда академик ва илмий-таълим алмашувлар бўйича узоқ муддатли дастурларни амалга оширишни қўллаб-қувватлашдаги шахсий ҳиссаси, шунингдек, халқаро муносабатлар ва иқтисодиёт соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдаги бевосита иштироки учун Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти ректори Торкунов Анатолий Васильевич Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 25 август

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 22 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 7 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»**ги 436–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2008 йил, № 9, 481-модда, № 12, 630-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда, № 12, 880-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари билан ўқиш даври учун келгусида уларнинг офицерлар таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни камида беш йил мажбурий ўташи шарти билан контрактлар тузилади»;

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Сенати

## ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ ЛОЗИМ

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Тадбирда қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан амалга оширилган мониторинг натижалари ҳамда коронавирус пандемияси даврида вужудга келган муаммолардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда жамиятнинг турли соҳаларини такомилига етказишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилиниб, мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда “пакет” принципи татбиқ этилди.

Бу борада парламент юқори палатаси ҳам янги йўналишда иш олиб борди. Жумладан, Сенат қўмиталари томонидан 20 га яқин амалдаги қонун ҳужжатларининг ижроси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилди ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторинг амалга оширилди. Натижада қайта кўриб чиқилиши ҳамда такомиллаштирилиши лозим бўлган бир қатор нормалар мавжудлиги аниқланди.

Мажлисда айрим қонунларда аниқ механизмларнинг йўқлиги, кўплаб ҳаволаки нормалар мавжудлиги ва соҳанинг, асосан, қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниши амалиётда муаммоларни келтириб чиқараётганига урғу берилди. Мазкур масала Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутасаддилари иштирокида муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлсада, мазкур соҳани бевосита тартибга солишга қаратилган 20 га яқин қонуности ҳужжатлари амалда бўлиб, уларда бир-бирига зид нормалар мавжуд.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун меъёрларини амалиётга татбиқ этишда ҳам айрим муаммолар йўқ эмас. “Ўзархив” ва “Ўзстандарт” агентликлари томонидан жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўрсатилаётган айрим давлат хизматлари бўйича маъмурий регламентлар ишлаб чиқилмаган, бу борадаги ички ҳужжатлар билан тартибга солиб келинмоқда. Қолаверса, “Медиация тўғрисида”ги Қонун ижросини ўрганиш унинг қоидаларини татбиқ этишда ҳам баъзи камчиликларни кўрсатди.

➡ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

## БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ САМАРАЛИ ВА МАҚСАДЛИ САРФЛАНИШИ ЗАРУР

*Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси якунлари депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди. Асосий эътибор ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар, ажратилган маблағларнинг мақсадли йўналтирилганлиги, сарф-харажатларнинг очиқлиги ҳамда шаффофлигига қаратилди. Соҳаларни ривожлантириш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар натижалари кенг таҳлил қилинди.*

### Қайси ҳудудларда аҳоли даромадлари бўйича энг паст кўрсаткичлар кузатилган?

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида таъкидланганидек, 2020 йил биринчи ярим йиллик якунига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 0,2 фоиз ўсган. Шу вақт мобайнида COVID-19 пандемияси таъсирида аҳоли ҳаракатчанлик индекси секинлашгани кузатилган.

Ҳисобот даврида аҳоли даромадлари таркибида деярли ўзгариш бўлмаганига эътибор қаратилди. Чунончи, жон бошига ўртача умумий даромадлари бўйича Тошкент шаҳрида (10 533 минг сўм), Навоий (8 308 минг сўм), Бухоро (6 466 минг сўм) ва Тошкент (5 582 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичлар қайд этилди. Қорақалпоғистон Республикаси (3 854 минг сўм), Наманган (3 922 минг сўм) ҳамда Фарғона (4 008 минг сўм) вилоятларида энг паст кўрсаткич кузатилган.

Пандемия шароитида асосий савдо ҳамкорлардаги карантин чоралари туфайли ташқи савдо айланмаси 18,2 фоиз камайган бўлиб, бунда экспорт ҳажми 22,6 фоиз, импорт ҳажми 15 фоиз камайиши кузатилган.

Жорий йилнинг олти ойида ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 3,5 млрд. АҚШ долларига, бунда 5 та асосий ташқи савдо ҳамкоримиз билан жами савдо ҳажми деярли 2 млрд. АҚШ долларига камайган.

Йиғилишда фракция аъзолари Давлат бюджетининг барча даражасида мутаносибликни таъминлаш, юқори бюджетга қарам бўлган ҳудудларни камайтириш, айниқса, маҳаллий бюджетларнинг даромадларини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларнинг такомиллаштирилиши ҳисобот даврида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолиш ва бюджет параметрларида белгиланган тадбирларни тўлиқ амалга ошириш имкониятини яратганини эътироф этдилар.

Шу билан бир қаторда, депутатлар томонидан жойлардаги ўрганишлар натижаларига асосланган ҳолда, ҳудудларнинг ресурс салоҳиятини тўлиқ амалга ошириш, бюджет маблағларидан янада самарали фойдаланишни таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромадини ошириш борасида ҳудудларда мавжуд имконият ва резервларни тўла ишлатишга эътиборни янада кучайтириш лозимлигига урғу берилди.

➡ 2

# МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ

## НАФАҚАТ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРГА, БАЛКИ ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРГА ҲАМ БОҒЛИҚ

*Яқинда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш бугунги пандемия шароитида мактабларда дарсларни хавфсиз тарзда қайта тиклаш “энг муҳим вазифа” эканини таъкидлади. Шунингдек, унинг айтишича, ҳозир биз авлодларни “йўқотиш” хавфи билан юзма-юз турибмиз, бу беҳисоб инсоний потенциални пучга чиқариши, ўнлаб йиллар давом этган тараққиётга путур етказиши ва тенгсизликни кучайтириши мумкин. Антониу Гутерришнинг сўзларига кўра, дунёнинг қарийб 160 мамлакатида мактабларнинг ёпилгани 1 миллиарддан ортиқ ўқувчилар ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда.*

*Хўш, ҳозирги мураккаб жараёнда таълим тизимида қандай ислоҳотлар қилиниши керак? Умуман, таълим-тарбия соҳасида бугун қандай муаммолар бор ва уларни бартараф этиш қайси чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда?*

*Навоий давлат педагогика институти ректори Баҳодир СОБИРОВ билан суҳбатимиз шулар хусусида бўлди.*




Сурат “Халқ сўзи” фотожамламасидан олинди.

Бизнинг суҳбат

***— Суҳбатимиз аввалида БМТ Бош котибининг ўқувчиларни мактабга қайтариш хусусидаги баёнотига эътибор қаратсак, ростдан ҳам, болаларнинг мактаблардан вақтинча йироқлашганлиги, инсоният учун коронавирус пандемиясидан ҳам ташвишли ва асоратлироқми?***

— Дарҳақиқат, биз айни вақтда ҳаётнинг мураккаб жараёнларини бошимиздан ўтказяпмиз. Бир томонда инсон саломатлиги бўлса, иккинчи томонда маърифат турибди. Болаларни, албатта, мактабда ўқитиш зарур. Зеро, мактабларда устозлар дарсларни ташкил этар экан, мавзуни баён қилишдаёқ ўқувчиларда мотивацияни вужудга келтиради. Мавзу баёни жараёнида ўқувчиларда баҳс-мунозарани ташкил этади. Жонли баҳс-мунозарада ўқувчилар фикр алмашади, ўқитувчи томонидан қўйилган (мавзуга оид) муаммонинг ечимига ойдинлик киритилади. Ёшларда мустақил, танқидий, ижодий тафаккур ривожланади. Давлат таълим стандартларининг бош талаби ҳам ижодий тафаккур соҳибини тарбиялаш.

➡ 3

Муносабат

## ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИКЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Бундан ҳамма бирдек манфаатдор бўлади.

Шу йилнинг 24 август куни Президентимиз томонидан “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди. Мазкур ҳужжатнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда бир қатор лицензиялар бекор қилиниб, рухсат бериш ишлари соддалаштирилмоқда. Бу тадбиркорларимизни шу пайтгача қийнаб келаётган турли оворагарчиликлардан ҳимоялайди, эркин фаолият юритишлари учун янада қулай шарт-шароит яратади, пировардида иқтисодиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшади.

Буни турли идора ва ташкилотлар мутасаддилари, тадбиркорлар ҳамда инвесторларнинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди.

**Худоёр МЕЛИЕВ, адлия вазири ўринбосари:**

— Президентимизнинг шу йил Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ушбу йўналишда аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган Фармон асосида, аввало, соҳада илк маротаба лицензиялаш ўрнига хабардор қилиш тартиби жорий этилди. Мазкур тартибга кўра, тадбиркорлар ўз фаолиятини бошлашдан олдин ваколатли органни хабардор қилса кифоя. Хабарномани юбориш вақтида уни юбораётган тадбиркор олдиндан белгиланган талабларга риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Эътиборлиси, ушбу тартибда кўплаб ҳужжатларни олиб ваколатли органларга бориш, катта миқдордаги давлат божини тўлаш талаб этилмайди. Шунингдек, фаолиятни бошлаш ёки ҳаракатни амалга ошириш учун ваколатли органларнинг қарори қабул қилиниши талаб этилмайди.

Фармонга мувофиқ, лицензия-ахборот дастурий тизими ишлаб чиқилиб, барча лицензия, рухсатнома ва хабарномаларни ягона портал орқали топшириш, кўриб чиқиш ҳамда уни бериш амалиёти йўлга қўйилади. Лицензия ва рухсатномаларни махсус қоғоз бланкаларда расмийлаштириш амалиётидан воз кечилиб, код қўйилган электрон ҳужжатлар тақдим этишга ўтиш белгиланди. Бу соҳада коррупцияга қарши муҳим чора ҳисобланади.

➡ 4



Мамлакатимиз Мустақиллигининг 29 йиллигига

*Сўнгги йилларда юртимиз иқтисодиётидаги туб бурилишларни ўзига хос тараққиёт мезони, деб бемалол айта оламиз. Сабаби мамлакатимизда бюджет шаффофлигига эришиш, Давлат бюджети ижроси устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг кучайтирилиши биз учун айни муддао бўлди. Соҳадаги ёпиқ эшиклар очилди.*

## ...ЁПИҚ ЭШИКЛАР ОЧИЛДИ

БЮДЖЕТ ИЖРОСИ — ПАРЛАМЕНТ ВА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ДОИМИЙ НАЗОРАТИДА.

Аввало, бюджет жараёни очиқлиги ҳамда шаффофлигини ошириш борасида муҳим ишлар олиб бориляпти. Шу мақсадда Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этишнинг янги тартиби жорий этилди. 2018 йил 22 августда бюджет шаклланиши ҳамда сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида “Очиқ бюджет” ахборот портали ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Шунингдек, бюджет харажатларининг мақсадли йўналтирилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ҳар йили жамоатчиликнинг фикрлари асосида Давлат бюджетини кўриб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда сарфланиши тўғрисида маълумот берувчи “Фуқаролар учун бюджет” нашрини чоп этиш амалиёти жорий қилинди.

Давлат бюджетининг шаклланиши ва ижро этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш бўйича парламент олдида турган вазифаларни бажариш учун парламентга Давлат бюджетини қабул қилиш ҳамда унинг ижроси назорати борасидаги ваколатларини амалга оширишда малакали ёрдам масаласи ҳам амалий кўриб чиқилди.

➡ 3

## ХАЛҚЧИЛ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР — ЭНГ КАТТА НЕЪМАТ

*“Сен — қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!”. Бугун кўпни кўрган халқимиз пандемия туфайли юзага келган оғир ва синовли кунларни матонат билан енгиб ўтиб, ана шу эзгу ғоя атрофида янада жипслашмоқда. Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан эълон қилинган ушбу шиор эришган ютуқларимиздан ғурурланиш билан бирга, мамлакатимиз равнақи учун масъулликни ошириш, юрт келажаги ҳамда гуллаб-яшнаши учун бефарқ бўлмасликка ундайди.*

Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлига чиққанидан кейин мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришдик. Ўтган давр мобайнида янги авлод камолга етди.

Айниқса, кейинги тўрт йилда чорак асрда ҳам амалга ошмаган, халқимиз ҳаёти ва дунёқарашини тубдан ўзгартириб, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-эътиборини ошириб юборган юзлаб ислоҳотлар қилинганини кўриш мумкин.

Аввало, минтақадаги давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатлари йўлга қўйилди, чегаралар очилиб, янги назорат-ўтказиш пунктлари ташкил этилди, фаолияти тўхтатиб қўйилганлари қайта ишга туширилди, ўтказиш сиғими оширилди, аҳолига қўшимча қулайликлар яратилди. Марказий Осиё мамлакатлари билан оғриқли масалалар ҳам конструктив мулоқот усулида бирма-бир ўз ечимини топмоқда. Шу пайтга қадар яқин қўшниларимиз билан қанчалик зиддиятга бориб, боши берк кўчага кириб қолганимизни билган билади, билмаган йўқ. Аммо бугун қардошлик ришталари тикланиб, ўртадаги “музлар” эриди, кўплаб муаммолар барҳам топди. Умуман айтганда, Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларида янги саҳифа очилди.

Иқтисодий ислоҳотлар ҳақида гап кетганда, туризмнинг ривожланиши, солиқ тизимидаги янгиланишлар, валюта бозорининг эркинлаштирилиши, нақд пул билан боғлиқ муаммолар бартараф этилиши, банк-молия соҳасидаги ўзгаришлар, халқаро молия операцияларининг жаҳон андозалари асосида амалга оширилишини ғурур билан тилга олиш мумкин.

➡ 3

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2) **9-модданинг**:

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуролли Кучларда қуйидаги ҳарбий унвонлар жорий этилади:

| Қўшин унвонлари | Кема таркибидаги унвонлар |
|---|---|
| **I. Оддий аскарлар таркиби** | |
| Оддий аскар | матрос |
| **II. Сержантлар таркиби** | |
| кичик сержант<br>III даражали сержант<br>II даражали сержант<br>I даражали сержант<br>катта сержант | старшина<br>III даражали старшина<br>II даражали старшина<br>I даражали старшина<br>бош старшина |
| **III. Офицерлар таркиби** | |
| **Кичик офицерлар таркиби** | |
| лейтенант<br>катта лейтенант<br>капитан | лейтенант<br>катта лейтенант<br>капитан-лейтенант |
| **Катта офицерлар таркиби** | |
| майор<br>подполковник<br>полковник | III ранг капитани<br>II ранг капитани<br>I ранг капитани |
| **Генераллар таркиби** | |
| генерал-майор<br>генерал-лейтенант<br>генерал-полковник<br>армия генерали | |

»;

**олтинчи қисми** «ихтисосликка эга бўлган» деган сўзлардан кейин «офицерлар таркибидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўққизинчи** ва **ўнинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий бурчни жиддий тарзда бузганлик, ҳокимиятни суиистеъмол қилганлик, қонунлар ва умумҳарбий низомлар билан ўз зиммасига юклатилган талаблар ва мажбуриятларни фавқулодда вазиятларда бажармаганлик учун генераллар таркибидаги шахсларнинг ҳарбий унвони Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан пасайтирилиши мумкин.

Офицерлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларни, шу жумладан резерв ёки захирадаги шахсларни ҳарбий унвондан улар оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм этилганида фақат суднинг қарорига кўра маҳрум этиш мумкин»;

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларни ҳарбий унвондан ҳарбий хизматчи томонидан ножўя хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги учун бошқа интизомий жазо чоралари етарли бўлмаган тақдирда, суднинг ёки вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг қарорига кўра маҳрум этиш мумкин»;

3) **10-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий хизматчилар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳарбий хизматда қолдирилган, шунингдек ҳарбий хизматчилар учун белгиланган таъминотнинг барча турлари, кафолатлар ва имтиёзлар сақланган ҳолда давлат-ҳуқуқ ҳамда мудофаа йўналишидаги ишларни бажариш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, бошқа ташкилотларга юборилиши мумкин»;

4) **11-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий кийим-кечакда юриш қоидалари ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг раҳбарлари томонидан белгиланади»;

5) **12-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «ҳарбий таълим муассасаларига» деган сўзлар «олий ҳарбий таълим муассасаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **15-модда**:

**номидаги** «**Ҳарбий таълим муассасаларига**» деган сўзлар «**Олий ҳарбий таълим муассасаларига**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмининг русча матнидаги** «высшие военно-образовательные учреждения» деган сўзлар «высшие военные образовательные учреждения» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **16-модданинг биринчи қисмидаги** «(ҳарбий кафедралар, цикллар ва факультетларда)» деган сўзлар «(ҳарбий таълим факультетлари, ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув марказлари, ҳарбий кафедралар, цикллар ва курсларда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **24-модда**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Контракт бўйича ҳарбий хизматга қуйидаги талабларга жавоб берувчи фуқаролар киради:

ўттиз ёшгача бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар ва аёллар, шунингдек муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар – оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларига;

муқаддам контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган оддий аскарлар ва сержантлар таркибидаги қирқ ёшгача бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар – оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларига;

муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган ва олий маълумотга эга ўттиз ёшгача бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар – оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларига;

ўн етти ёшдан йигирма уч ёшгача бўлган, шу жумладан ўқишга қабул қилинган йили ўн етти ёшга тўладиган фуқаролар, шунингдек ўн саккиз ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган, ўқишга қабул қилинган йили мазкур ёшга тўлган, офицерлар таркиби ҳарбий унвонларига эга бўлмаган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек йигирма олти ёшгача бўлган ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг талабалари – олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари лавозимларига;

қирқ ёшгача бўлган резервдаги ва захирадаги офицерлар – офицерлар таркиби лавозимларига»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Юқори профессионал тайёргарликка ва катта иш тажрибасига эга фуқаролар ҳам контракт бўйича ҳарбий хизматда бўлишнинг белгиланган ёш чегарасига етгунига қадар контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиниши мумкин»;

**иккинчи – тўртинчи қисмлари** тегишинча **учинчи – бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Контрактлар тузиш, шу жумладан олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари билан контрактлар тузиш, шунингдек контракт бўйича ҳарбий хизматга саралаб олиш ва уни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади»;

9) **25-модданинг**:

**номидаги** «**фуқароларга**» деган сўз чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган, шунингдек контракт бўйича ҳарбий хизматга кирган фуқароларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа имтиёзлар ва кафолатлар ҳам белгиланиши мумкин»;

10) **26-модданинг**:

**иккинчи қисми учинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «(I даражадаги капитанлар)» деган сўзлар «(I ранг капитанлари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий хизматда бўлиш ёши чегарасига етган, илмий даражаси ва илмий унвони, шунингдек эгаллаб турган лавозимида юксак касбий тайёргарлиги, катта амалий иш тажрибаси бўлган, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддати ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарлари ёки шундай ваколатлар берилган бошқа мансабдор шахслар томонидан ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегарасидан беш йилгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин»;

11) **27-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлишнинг бошланиши деб:

муддатли ҳарбий хизматга чақирилган чақирилувчилар ҳамда захирадаги офицерлар учун – ҳарбий қисмга жўнаш мақсадида мудофаа ишлари органида ҳозир бўлган кун;

контракт бўйича ҳарбий хизматга кирган шахслар учун – ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги контракт кучга кирган кун;

олий ҳарбий таълим муассасаларига, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ўқиш ҳарбий хизматга тенглаштириладиган таълим муассасаларига ўқишга кирган чақирилувчилар, ҳарбий хизматга мажбурлар учун – тегишли таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган кун;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳарбий лавозимга тайинланган шахслар учун – тегишли фармон, қарор ёки фармойиш имзоланган кун ҳисобланади»;

12) **28-модданинг**:

**номидаги** «**Ҳарбий-таълим муассасалари**» деган сўзлар «**Олий ҳарбий таълим муассасалари**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** «Ҳарбий-таълим муассасаларида» деган сўзлар «Олий ҳарбий таълим муассасаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Ҳарбий-таълим муассасасига» деган сўзлар «Олий ҳарбий таълим муассасасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «Ҳарбий-таълим муассасасидан» деган сўзлар «Олий ҳарбий таълим муассасасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмидаги** «Ҳарбий-таълим муассасасидан» деган сўзлар «Олий ҳарбий таълим муассасасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўқишнинг иккинчи йилида олий ҳарбий таълим муассасасидан четлаштирилган курсантлар (бундан интизомсизлиги туфайли ва соғлиғининг ҳолатига кўра четлаштирилганлар мустасно) оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида контракт бўйича ҳарбий хизматга кириши мумкин»;

13) **29-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий хизматчини ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатиш қуйидаги асосларга кўра амалга оширилади:

1) ёш бўйича – у ҳарбий хизматда бўлиш ёши чегарасига етганида, шу жумладан унга белгиланган тартибда узайтирилган ҳарбий хизмат муддати тугаганда;

2) муддатли ҳарбий хизмат муддати тугаганда – чақирув бўйича муддатли ҳарбий хизматнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаганда (бўшатиш учун бошқа асослар мавжуд бўлмаганда);

3) контракт муддати тугаганда – бўшатиш учун бошқа асослар мавжуд бўлмаганда, агар амалдаги контрактнинг тугаши пайтига келиб ҳарбий хизматчи ёки вазирлик, давлат қўмитаси ва идора томонидан янги контракт тузмаслик тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса;

4) ташкилий-штат тадбирлари муносабати билан – ҳарбий хизматчидан хизматда фойдаланиш мумкин бўлмаган тақдирда, уни бўшатиш учун бошқа асослар мавжуд бўлмаганда;

5) соғлиғининг ҳолатига кўра – у ҳарбий-тиббий комиссия томонидан ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилганлиги муносабати билан;

6) тарафлардан бирининг ташаббусига кўра контракт муддатидан олдин бекор қилинганлиги муносабати билан;

7) интизомсизлиги сабабли олий ҳарбий таълим муассасасидан четлаштирилиши муносабати билан – уни бўшатиш учун бошқа асослар мавжуд бўлмаганда;

8) ҳарбий хизматчи номига доғ туширувчи ножўя хатти-ҳаракат содир этганда;

9) давлат сирларидан фойдаланишдан маҳрум қилинганда;

10) озодликдан ёки ҳарбий унвондан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазо чоралари тайинланган суд ҳукми қонуний кучга кирганда;

11) қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотганлиги ёхуд бошқа давлатнинг фуқаролиги мавжудлиги муносабати билан.

Ҳарбий хизматчиларни ҳарбий хизматдан бўшатиш уларни тегишли лавозимларга тайинлаш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматдан резервга, ҳарбий ҳисобдан чиқарилган ҳолларда эса истеъфога бўшатилади.

Резервда бўлиш ёши чегарасига етган ёки соғлиғининг ҳолатига кўра ҳарбий ҳисобдан чиқарилган ҳолда ҳарбий-тиббий комиссия томонидан ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган ёхуд бошқа давлатнинг фуқаролигига эга бўлган ҳарбий хизматчилар истеъфога бўшатилади»;

14) **31-модданинг учинчи қисмидаги** «жанговар қўшилмалари ва қисмлари, жанговар таъминот бўлинмалари» деган сўзлар «жанговар қўшилмалари, қисмлари ва жанговар таъминот бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **44-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий хизматга чақирилган ёки кирган шахслар, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга хизматга махсус унвонлар берилган ҳолда, ходимлар лавозимларига кирган шахслар резервдагилар ва захирадагиларнинг ҳарбий рўйхатидан чиқарилиши лозим».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»**ги 478–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 65-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «(ҳарбий кафедралар, цикллар ёки факультетларда)» деган сўзлар «(ҳарбий таълим факультетлари, ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув марказлари, ҳарбий кафедралар, цикллар ва курсларда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг учинчи қисмидаги** «(ҳарбий кафедралар, цикллар ёки факультетларда)» деган сўзлар «(ҳарбий таълим факультетлари, ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув марказлари, ҳарбий кафедралар, цикллар ва курсларда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 25 август
№ ЎРҚ—634

# ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ ЛОЗИМ

1

Бундан ташқари, “Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор амалдаги қонунларни бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Шу жиҳатдан қонун ҳужжатларини тубдан қайта кўриб чиқиш, уларни тизимлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини яхшилаш, қонунлар ижроси мониторингини такомиллаштириш, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиладиган ташкилотларни босқичма-босқич қисқартириш зарурлиги қайд этилди.

Мажлисда коронавирус пандемияси даврида вужудга келган муаммолардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда COVID-19 инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича давлатимиз томонидан олиб борилаётган тезкор ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Коронавирус пандемияси даврида масофавий таълим, меҳнат, шунингдек, бошқа соҳаларда масофавий хизмат кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилди. Тадбиркорлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар қўллаб-қувватланди.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларга ҳамоҳанг равишда парламент томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Пандемия нафақат тиббиёт, таълим соҳаларидаги қонунчилик, балки иқтисодиёт йўналишидаги, умуман олганда, бошқа қатор соҳалар қонунчилигини замон талабларига мослаштириш зарурлигини кўрсатди. Ўз навбатида, бир қатор қонунлар қабул қилинди ва такомиллаштирилди.

Сенат Кенгаши томонидан коронавирус пандемияси даврида вужудга келган муаммолардан келиб чиқиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга ҳамда иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича чора-тадбирлар режаси ва ишчи гуруҳ тасдиқланди.

Мажлисда ишчи гуруҳ фаолияти очиқ ҳамда шаффоф бўлиши лозимлиги, унинг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлик қилиши, қолаверса, Ёшлар парламенти имкониятларидан самарали фойдаланиши зарурлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенат Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ САМАРАЛИ ВА МАҚСАДЛИ САРФЛАНИШИ ЗАРУР

1

## Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани танқид қилинди

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари пандемия шароитига қарамасдан вазирлик ва мутасаддилар томонидан ислоҳотлар олиб борилгани, соҳаларни ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар бажарилганини айтиб ўтдилар.

Ижтимоий харажатларнинг асосий қисмини ташкил этган таълим тизимига Давлат бюджети умумий харажатларининг 53,4 фоизи ажратилгани депутатлар томонидан ижобий баҳоланди.

Ҳисобот даврида ҳозирги мураккаб вазиятдан келиб чиққан ҳолда таълим тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таълим жараёни даражаси ҳамда сифатини такомиллаштириш, стандартлар ва дастурларни мукаммаллаштириш, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар таълими ҳамда олий ўқув юртлари ходимларининг нуфузини оширишга қаратилган ислоҳотларни янада жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани депутатлар томонидан эътироф этилди.

Шу билан бирга, умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 1,1 трлн. сўм ажратилган бўлишига қарамасдан, бор-йўғи 459,9 млрд. сўми молиялаштирилган. Бу йиллик кўрсаткичнинг 41 фоизини ташкил қилади. Яқин кунларда мактабларда ўқув йили бошланиши ва бу каби салбий ҳолатлар ўқув жараёнига таъсир ўтказмасдан қолмаслиги қайд этилди.

Фракция аъзоларининг таъкидлашича, ҳисобот даврида ўтказилган давлат молиявий назорат тадбирларида Халқ таълими вазирлиги тизимида 21,5 млрд. сўм миқдорида қонунбузилиш ҳолатлари аниқлангани (2019 йилдагига нисбатан қонунбузилиш ҳолатлари 2,5 баравар ўсган) ва бундай салбий ҳолат Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 2,3, Мактабгача таълим вазирлиги тизимида 1,4, Маданият вазирлиги тизимида 2, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимида 3,4, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимида 2 баравар ошгани, умумий ҳисобда 81,7 млрд. сўм миқдорида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани ачинарлидир.

Йиғилишда бюджет маблағларидан фойдаланишда қонунбузилиш ҳолатлари йилдан-йилга ошиб бораётган вазирлик ва идораларда буларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш, қонунбузилишларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чораларни кўриш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, барча соҳада бюджет шаффофлигини таъминлаш, айниқса, бандлик масаласида субсидиялар ажратишда адолатли ёндашиш ҳамда турли вазирликлар қошидаги фондлар маблағларини бюджет қошида ягона ҳисобга тўплаш таклифи илгари сурилди.

## Шаффоф тизим яратиш ишларини кескин кучайтириш керак

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида қайд этилганидек, Давлат бюджети ижросида мамлакатимизда олиб борилаётган аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати ўз аксини топган. Зеро, ҳар бир давлатнинг бюджети ижросига қараб, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга баҳо бериш мумкин. Пандемия даврида бу масала, айниқса, долзарбдир.

Фракция аъзолари Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя кафолатларини мустаҳкамлашда, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар.

Муҳокамалар жараёнида ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағларнинг қанчалик самарали сарфлангани масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, Давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлар улуши йилдан-йилга ошириб борилмоқда. Хусусан, ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан умумий харажатларнинг 53,4 фоизи миқдорида маблағ сарфланган. Бу харажатлар ЯИМга нисбатан 13,9 фоизни ташкил этган.



Соғлиқни сақлаш соҳасига Давлат бюджетидан ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 1440,6 млрд. сўм (21,7 фоиз) кўп маблағ ажратилган. Бу маблағнинг Давлат бюджети харажатларидаги жами улуши 12,4 фоизни ташкил этади.

Шунингдек, нафақалар, моддий ёрдам, компенсация тўловлари ва аҳоли бандлик даражасини оширишга Давлат бюджетидан ҳисобот даврида 3726,7 млрд. сўм, яъни ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 847,1 млрд. сўм кўп маблағ ажратилган.

Йиғилишда фракция аъзолари масалани кенг ва таҳлилий муҳокама қилди. Марказда ҳамда жойларда давлат бошқаруви органларининг, бюджет ташкилотларининг бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, молиявий интизомга қатъий риоя қилиш, шунингдек, Бюджет кодекси нормалари ҳамда қоидалари ижро этилиши устидан назоратни янада кучайтириш, ушбу масалаларда масъулиятни ошириш зарурлиги таъкидланди.

Пандемия ва карантин чекловлари билан боғлиқ қийин вазиятда маблағларнинг самарасиз сарфланиши, айниқса, талон-торож ҳолатлари учраши танқид қилинди. Ҳукумат, мутасадди вазирлик-идоралар бюджет маблағларининг сарфланиши бўйича шаффоф тизим яратиш ишларини кескин кучайтириши зарур. Нафақа ҳамда ёрдам пуллари тарқатилиши жараёнида қатор камчиликларга йўл қўйилган, ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш жараёнлари очиқлиги таъминланмаган.

Давлат бюджети ижросини таъминлашда парламентдаги муҳокамалар билан бирга, жойларда, тармоқларда бевосита, тезкор таҳлиллар ўтказиш, шу орқали қонунчиликнинг таъсирчанлигини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишларда муҳокама ҳамда таклиф-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, фракцияларнинг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни қўллаб-қувватлаш ҳақида тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# «Янги Ўзбекистон: МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИНГ ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ»

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллигига бағишлаб ана шу мавзуда видеоконференция ташкил этилди.*

## Анжуман

Унда депутатлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги вакиллари ва маданият ҳамда санъат арбоблари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу эса, ўз навбатида, маданият ва санъат ривожига тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммоларни бартараф этишда қўл келмоқда.

Соҳани ривожлантириш, келажак авлодни ҳар томонлама етук тарбиялаш мақсадида ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Бу, ўз навбатида, ёшларнинг нуфузли халқаро танловлардаги муваффақиятларига замин бўлмоқда.

Юртимизда маданият ҳамда санъат соҳасида халқаро даражадаги фестивалларнинг ўтказилиши ўзбек маданиятининг асл тарихий илдизларини мустаҳкамлаш ва жаҳонда тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Тадбирда давлатимиз раҳбари қабул қилаётган қарор ҳамда фармонлар соҳа тараққиётини таъминлашда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ҳамда “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ечимини кутиб турган кўплаб масалаларнинг ҳал этилишида ҳуқуқий асос бўлди.

Шу билан бирга, соҳанинг қонунчилик асосларини такомиллаштириб боришни даврнинг ўзи тақозо қиляпти. Тадбирда қайд этилганидек, ҳар бир қонун давлат ва жамият тараққиёти, халқ фаровонлигини кўзлаб қабул қилинади. Шу маънода, қуйи палатада кўриб чиқилаётган “Маданият тўғрисида”ги қонун лойиҳасини маромига етказишда етук мутахассисларнинг ҳаётий таклифлари инобатга олинаётгани айни муддао бўлмоқда.

Видеомулоқотда мазкур қонун лойиҳасининг мақсад ва вазифалари, уни амалга оширишга масъул ташкилот ҳамда муассасаларнинг ваколати, ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар хусусида атрофлича фикр алмашилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ...ЁПИҚ ЭШИКЛАР ОЧИЛДИ

1 Жумладан, парламент юқори палатаси девони таркибида Давлат бюджети ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини таҳлил қилиш бошқармаси ташкил этилгани ҳам Давлат бюджетини шакллантириш ҳамда унинг ижроси жараёнлари устидан ҳудудлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда назорат олиб боришда муҳим аҳамият касб этади. Бу, мазкур йўналишдаги қонунлар Сенат қўмиталарида дастлабки тарзда кўриб чиқилишига кўмаклашади.

Шунингдек, келгуси йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонун ва бюджет лойиҳасини ҳудудий манфаатлар нуқтаи назаридан молиявий экспертизадан ўтказиш ҳамда хулоса бериш, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади. Сенат раҳбарияти ва сенаторларга бюджет, пул-кредит сиёсати, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласига доир материалларни ўз вақтида етказиб туриш ҳам бошқарма зиммасига юклатилган вазифалардан саналади. Ушбу янги бошқарма бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш юзасидан парламент назорати олиб борилишида бевосита иштирок этади.

Умуман, бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бюджет масаласида маҳаллий ҳокимиятларга ҳам мустақиллик берилди. Эндиликда улар ўзларининг даромадлари ва харажатларини мустақил белгилаб, режадан ортган маблағларни ўзлари тасарруф этиш имконига эга бўлишди.

Бундан ташқари, 2019 йилдан бошлаб биринчи марта Давлат бюджети қонун сифатида қабул қилинди. Яъни биз давлатимизнинг 2020 йилда қиладиган барча харажатининг асосий кўрсаткичлари ҳамда йўналишларини ягона қонун шаклида тасдиқладик. Бу эса бюджетнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган энг муҳим қадамлардан бири бўлди. Қонунда қайси соҳага қанча маблағ ажратилгани батафсил қайд этилган. Бу халқимизга Давлат бюджети қандай сарфланаётганини бевосита ва билвосита кузатиш ҳамда унинг мақсадли сарфланишида ўз ҳиссасини қўшиш имконини берди.

Соҳа мутахассиси сифатида иқтисодий соҳадаги энг асосий ўзгаришлар, аввало, бу, пандемия муносабати билан иқтисодиёт тармоқларига мадад бериш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинганини эътироф этишим лозим. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари аҳолининг ўзини ўзи банд қилишига оид яна бир муҳим ҳужжатни имзолади. Унга кўра, фуқароларимиз ўзини ўзи банд қилиш орқали, тегишли тартибда даромад солиқларидан озод этилди.

Ишлаб чиқариш тармоқларига ҳам бу борада катта имтиёзлар берилди. Айрим корхона ва ташкилотлар биринчи октябрга қадар, баъзилари эса биринчи декабрга қадар мулк солиғидан озод этилди. Маҳаллий бюджет йўқотадиган даромадларини республика бюджетидан қоплаб бериш тартиби ҳам жорий этилди.

Қисқаси, қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида халқнинг моддий фаровонлигини оширишга алоҳида урғу берилаётгани Ўзбекистонда инсонпарвар сиёсат амалга оширилаётганидан далолат беради.

**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси.**

# ХАЛҚЧИЛ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР — ЭНГ КАТТА НЕЪМАТ

1 Жаҳон банки томонидан юритиладиган "Doing business" рейтингида бугун Ўзбекистоннинг ўрни кескин кўтарилиб бораётганини ҳам эътироф этмоқ жоиз. Жумладан, мамлакатимиз 2018 йили 190 мамлакат орасида 66,32 балл билан 74-ўринни эгаллаган ва 13 та поғонага юқорилаган бўлса, 2019 йили 67,4 балл тўплаб, нуфузи янада ошди. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ Ўзбекистонда йилдан-йилга бизнес фаолиятини юритиш осонлашиб, бюрократик тўсиқлар камайиб бораётганидан далолат эмасми?!

Узоқ йиллар тўпланиб қолган ижтимоий муаммолар амалий ечим топа бошлагани ҳам халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашида жуда муҳим омилдир. "Бош мақсадимиз — халқимизнинг розилиги", "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", "Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир", "Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак" каби ҳаётбахш ғояларга асосланган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ таъминлашга қаратилган қонунчилик такомиллаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси халқ хоҳиш-иродаси, эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда яқин истиқболга мўлжалланган тараққиёт белгиловчи дастурламал бўлгани алоҳида таъкидлаш лозим.

Мазкур ҳужжатда асосий эътибор "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концепцияси қоидаларини мужассамлаштирган ҳолда давлат ва жамият қурилиши туб ўзгаришларга қаратилди ҳамда давлат бошқаруви соҳасидаги янгиланишлар парламент фаолиятини чуқур ислоҳ қилишдан бошланди.

Биринчи навбатда, парламент ва сиёсий партияларнинг роли янада кучайтирилди. Сенатор ҳамда депутатларнинг қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш билан чекланиб қолмай, балки жойларга чиқиб, халқнинг турмуш даражасидан хабардор бўлиш, одамларни қийнаётган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ва ҳал этишда бевосита қатнашиши белгиланди. Миллий парламентнинг ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат олиб бориш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Президентнинг виртуал ва Халқ қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилгани эса ислоҳотларнинг моҳиятида "Инсон ва унинг манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган эзгу ғоя мужассамлигини яққол намоён этди. Бугунги кунга келиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудидаги Халқ қабулхоналари аҳоли билан бевосита мулоқотни, жойларда юзага келадиган муаммоларни тезкор ҳал этиш, камчиликларни бартараф қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялашнинг самарали механизмига айланди. Президентнинг Халқ қабулхоналари муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишнинг фаол тизимига ўтди.

Мамлакатимизда инсон омилининг бирламчи эканлиги пандемия даврида ҳукуматимиз томонидан қилинган ишлар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Пандемия шароитида ўтган вақт мобайнида халқимиз саломатлиги учун барча моддий ва маънавий ресурслар жуда олингани айни ҳақиқат. Мисол учун, соғлиқни сақлаш соҳасига Давлат бюджетидан 8 071,5 млрд. сўм маблағ йўналтирилганининг ўзиёқ фикримиз тасдиғи. Ушбу маблағлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1 440,6 млрд. сўм (21,7 фоиз) кўп демакдир. Бундан кўзланган мақсад битта. У ҳам бўлса биринчи галда, инсон қадр-қимматини юксалтириш.

Таъкидлаш жоизки, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси даромадлари 1 июль ҳолатига жами 7 трлн. 442 млрд. сўм маблағ шакллантирилган ва шу кунга қадар жамғарма маблағлари ҳисобидан 5 трлн. 553 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Шунингдек, 2020 йил Давлат бюджети биринчи ва иккинчи даражали бюджет тақсимловчилар кесимида шакллантирилди. Республика бюджетидан 1-ярим йиллик давомида биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар бўйича амалга оширилган харажатлар 44 675,6 млрд. сўмни ташкил этган.

Шу ўринда яна бир гап. Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очилди, инвестиция муҳити яхшиланиб, сармоя киритиш кафолатлари кучайтирилди. Натижада бугун мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийб 57 фоизи кичик ва ўрта бизнес субъектлари зиммасига тўғри келаётган бўлса, ишга яроқли аҳолининг 82 фоизи ушбу жабҳада хизмат қилмоқда.

Қисқача айтганда, мамлакатимиздаги ортга қайтмайдиган ва муқаррар тус олган бугунги халқчил демократик жараёнлар Мустақиллик берган энг катта неъмат, десак, муболаға бўлмайди. Айнан истиқлол туфайли янги Ўзбекистоннинг янги қиёфаси кўз ўнгимизда, айнан бизнинг иштирокимизда — халқимиз билан бирга яратилмоқда.

**Актам ҲАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.**

# МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ

## НАФАҚАТ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРГА, БАЛКИ ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРГА ҲАМ БОҒЛИҚ

1 Ўқитувчи дарсда, асосан, учта мақсадни ўз олдига қўяди: таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи. Назаримда онлайн дарсларда тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар етарли даражада амалга ошмайди. Фақат таълимий мақсад, яъни мавзуни ўзлаштириш амалга оширилади. Бу БМТнинг Бош котиби айтганидек, инсоний потенциални пучга чиқаришга олиб келиши мумкин.



Бундан минг йиллар олдин яшаб ўтган қомусий олим Абу Али ибн Сино ҳам таълимда жамоа бўлиб мактабда ўқитишга эътибор бериш зарурлигини таъкидлаган. Болани уй шароитида якка ўқитишга қарши бўлган. Бола мактабда жамоа бўлиб ўқишининг афзаллиги қуйидагича ифодаланган.

Биринчидан, агар ўқувчи бошқалар билан бирга ўқиса, у зерикмайди, фанни эгаллашга қизиқиши кучаяди, бир-биридан қолмаслик учун ҳаракат, мусобақалашиш истаги ривожланади. Буларнинг ҳаммаси ўқишнинг яхшиланишига ёрдам беради.

Иккинчидан, ўзаро суҳбатда ўқувчилар бир-бирига китобдан ўқиб олганлари, катталардан эшитганларини ҳикоя қиладилар ва муомала маданияти ривожланади.

Учинчидан, болалар бирга тўпланганларида бир-бирини ҳурмат қила бошлайдилар, дўстлашадилар, ўқув материалларини ўзлаштиришда бир-бирига ёрдамлашадилар, бир-биридан яхши одатларни қабул қиладилар.

***— Уч йилдан ошибдики, мамлакатимиз таълим тизимида чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Сизнингча, таълим сифатини юксалтириш, ўқитувчи ва мураббийлар обрўси ҳамда жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш халқимизга нима беради?***

— Дунё миқёсида рақобат янада кучайиб борадиган, ўта мураккаб бир даврда яшайдиган болаларимизни келажакка тайёрлаб, соғлом ва баркамол инсонлар этиб voяга етказиш таълим-тарбия соҳаси, ўқитувчи меҳнатининг туб моҳиятини ташкил қилади.

Ана шу ўткир ҳақиқатни ҳисобга олиб, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши даражасига кўтарилди. Ўтган қисқа даврда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, мактаб таълимида 11 йиллик тизимга ўтиш, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларини оптималлаштириш, нодавлат таълим хизматини кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Юртимизда боғча, мактаб ва олий таълим тизимида ишлаётган тарбиячилар, ўқитувчи ҳамда мураббийлар меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг иш ҳақини, жамиятдаги нуфузини ошириш бўйича салмоқли қадамлар ташланди.

Соҳа ривожига бўлган ана шундай эътибор мактабларда ўқув-тарбия жараёнларини сифат жиҳатидан ўзгартиришга, ўқитувчилар таркибини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Таълим-тарбия масаласига комплекс ёндашган ҳолда, боғча таълими билан бирга халқ таълими ва олий таълим тизимларини ҳам узвий ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда юртимизда мактабгача, ўрта умумий ҳамда олий таълимни ривожлантириш дастурлари қабул қилинди ва шу асосда туб ўзгаришлар олиб бориляпти.

Энди ўқитувчи обрўси ҳамда жамиятдаги мавқеига келсак. Обрў-эътиборга эришилади, бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Амалга оширилаётган ислоҳотлар шунинг атрофидаги жараёнлардир.

Бугунги кун ўқитувчиси универсал мутахассис, ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиши, яъни ўз устида тинимсиз ишлаши, доимо изланиб яшаши керак. Энг муҳими, ўқитувчи чинакам ватанпарвар инсон бўлиши зарур. Қалбида ўз касбига, Ватанига меҳр ва садоқат кучли бўлган ўқитувчигина ҳақиқий ватанпарвар шахсни тарбиялай олади. Бунинг учун у жамиятнинг мавсумий тадбирларидан эркин бўлиши лозим.

Давлатимиз раҳбари томонидан барча саъй-ҳаракатлар "Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак" деган ғояни амалга оширишга қаратилмоқда. Бунинг учун давлат ва жамият томонидан қанча маблағ, ресурс ҳамда имкониятлар зарур бўлса, барчаси сафарбар этилмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 197-5-модда билан тўлдирилди. Ушбу моддада таълим муассасаси педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ёки ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик белгилаб қўйилди. Ушбу ҳуқуқбузарлик содир этилганда таълим муассасасининг педагог ходими маъмурий баённома тузмасдан ўз аризасида ҳуқуқбузарнинг шахси, ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва унинг моҳияти тўғрисидаги ҳамда бошқа зарур бўлган маълумотларни кўрсатган ҳолда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида "Ўқитувчи мақоми тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамадан ўтказилди. Ушбу қонуннинг мақсади педагоглик фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ҳамда ўқитувчининг ҳуқуқий мақомини тўлиқ ифодалашни, унинг касбий фаолияти, ижтимоий-иқтисодий мавқеи, ижтимоий ҳимоя кафолатларини жорий этишни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишдан иборат.

***— Сир эмас, айрим қишлоқларда ёш педагоглар иш тополмай овора. Бу каби ҳолат баъзи шаҳарларимизда ҳам мавжуд. Ушбу масаланинг ечими қаерда?***

— Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш даврида келиб чиққан меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори ўртасидаги номувофиқликлар ишчи кучига бўлган талаб ҳамда таклиф таркиби ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига олиб келди. Бу олий таълим муассасалари битирувчиларининг биринчи иш жойини излашда қийинчиликларга учрашига сабаб бўлди.

Мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигига эришиш ва аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш кўп жиҳатдан ишчи кучи бандлигини таъминлаш ҳамда ундан самарали фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир. Шунингдек, бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, замонавий технологияларни ўзлаштиришга қодир, юксак билимли ва малакали ишчи кучини доимий тайёрлаб боришни тақозо этмоқда.

Мустақиллик йилларида бу борада мамлакатимизда эришилган ютуқлар салмоқли бўлди. Бироқ глобаллашув шароитида жаҳонда рўй бераётган ўзгариш ва жараёнлар, барча соҳада рақобатнинг кучайиб бориши янада барқарор тараққиётни таъминлашни талаб этмоқда. Мана шу талаб янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда. Бугунги кунда мазкур йўналишдаги ишларни амалга ошириш борасида мамлакатимизда қатор ижобий ишлар қилиняпти. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, одамларга қулай иш шароитлари яратишга алоҳида аҳамият қаратилган. Бу эса давлатимиз учун ижтимоий соҳанинг нечоғли муҳим ўринга эгалигини кўрсатади. Ушбу стратегияда белгиланган вазифалар республика олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва бандлигини таъминлаш билан боғлиқдир.

Тўғри, ҳозирги кунда айрим, ҳатто нуфузли олий таълим муассасалари битирувчиларининг мутахассислиги бўйича ишга жойлашишида ҳам муаммолар кузатилмоқда. Айрим ҳолларда бўш иш жойлари мавжуд бўлгани ҳолда, ишчи кучининг иш берувчи томонидан қўйилаётган талабларига мос келмаслиги сабабли битирувчилар бандлигининг таъминланмаслиги ҳолатлари ҳам юзага келяпти.

Бундан ташқари, ёшлар томонидан эгалланаётган касблар ва мутахассисликлар ҳар доим ҳам меҳнат бозоридаги мавжуд ўзгариб бораётган талабга тўлиқ мос келавермайди. Бу ишсиз қолаётганлар салмоғининг ортишига ўз таъсирини ўтказмоқда. Айни вақтда саноат, савдо ҳамда бошқа кўплаб хизмат кўрсатиш соҳаларида малакали ишчи кучининг етишмаслик ҳолатлари кузатилаётир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида аҳоли бандлигини таъминлаш устувор вазифа қилиб қўйилганлигини ва бу масалага нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамият беришимиз зарур эканлигини таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, ёшларга сифатли билим бериш ҳамда уларни меҳнат бозорида ўз ўрнига эга бўлган етук ва юқори малакали кадр сифатида тайёрлаш борасида ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар бор. Жумладан, ёшларни ишга жойлаштиришда эскирган шакл ҳамда усуллардан фойдаланиш ҳанузгача давом этаётганлиги, бандлик муаммоларини ҳал этишда расмиятчиликнинг мавжудлиги олий таълим битирувчиларининг бандлигини таъминлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлигини намоён этмоқда. Замон талаби битирувчилар бандлигини таъминлашда таълим билан ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш, илғор хориж тажрибаларини ўрганиб, амалиётга жорий қилиш, ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишларини амалга оширишни тақозо этмоқда.

> *Тарбия деганда, аксарият оилаларда бола билан гаплашиб қўйиш, унга насиҳат, танбеҳ бериш, таълим муассасаларида эса чиройли сўзлаш, ёқимли фазилатларни мадҳ этиш, байрамларда, тадбирларда Ватан ҳақида шеърлар ўқиш, қўшиқ айтиш, рақсга тушиш тушунилмоқда.*
> *Узоқ йиллар давомида "узлуксиз таълим"га мутаносиб "узлуксиз тарбия" йўлга қўйилмади. Тарбия болалар таълимдан бўш вақтида амалга ошириладиган қўшимча юкламага — иккинчи даражали ишга айланди. Бунинг оқибатида тарбия узуқ-юлуқ жараён бўлиб келди. Жамиятнинг педагогик маданияти пасайиб, мактабгача таълим, мактаб педагоглари, ота-оналарнинг тарбияга оид педагогик-психологик билимлари замон талабларига етарлича жавоб бермаяпти. Аслида мактабнинг муаммоси бўлган давомат — ижтимоий муаммога юз тутиб, ички ишлар ходимлари, маҳалла фаолларининг ишига айланди.*

Кўнгилга таскин шуки, бугун юртимизда иқтисодиётни модернизациялаш босқичида меҳнат бозорининг амал қилиш механизми, таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлашда жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Битирувчиларни ишга жойлаштириш, таълим муассасалари рақобатбардошлигини ошириш ҳамда уларни ривожланган давлатлар таълим муассасалари қаторидан жой олишига эришишнинг асосий жиҳатлари тадқиқ этилмоқда.

***— Президентимиз томонидан ўқувчиларни мактабданоқ касб-ҳунарга тайёрлаш ғояси илгари сурилиб, шу асосда таълим йўлга қўйилди. Узоқ йиллар фаолият олиб борган олим сифатида, айтинг-чи, касб-ҳунар коллежлари тизими нега ўзини оқламади?***

— Меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим хизматларининг очиқлиги ҳамда сифати масалаларига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йилларда касб-ҳунар таълимини ривожлантириш, таълим жараёнини модернизациялаш ва мазмунини янгилашни таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Иқтидорли ёшларнинг халқаро ҳамда республика олимпиадалари ва танловларда салмоқли натижаларга эришишларида уларни манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича қатор тизимли чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ривожланишини таҳлил қилиш натижалари тизимнинг бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини ҳамда туб ислоҳотларга муҳтожлигини кўрсатди.

Биринчидан, касб-ҳунар коллежлари аҳоли яшаш жойларига яқин бўлмаган масофада жойлаштирилганлиги, айниқса, ҳудудларда транспорт инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаганлиги ҳамда об-ҳаво шароитлари туфайли ўқувчиларнинг вақти-вақти билан оммавий равишда дарс машғулотларини қолдиришларига сабаб бўлди.



Иккинчидан, моддий-техника базасини шакллантиришнинг мавжуд амалиёти касб-ҳунар коллежлари таълим йўналишларига жавоб бермайдиган ўқув устахоналари ташкил этилишига, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар билан етарли даражада таъминланмаслигига олиб келди.

Учинчидан, етарли даражада молиялаштирилмаганлиги натижасида касб-ҳунар таълими тизими учун зарур бўлган кўплаб дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилмади, амалдаги дарсликлар бирор марта янгиланмади.

Тўртинчидан, касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлаш тизими ҳудудлардаги иқтисодий тармоқларнинг реал эҳтиёжларидан ортда қолганлиги, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари учун белгиланган қабул квоталарида меҳнат бозори конъюнктураси ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш имкониятлари ҳисобга олинмаслиги битирувчиларни ишга жойлаштиришда қийинчилик туғдирди.

Бешинчидан, касб-ҳунар коллежларидаги ўқув жараёнини ташкиллаштириш ҳолати, қўлланилаётган ўқув-норматив ҳужжатлар ҳамда ўқитиш муддатлари касбларнинг мураккаблик даражасига жавоб бермади. Ишлаб чиқариш амалиётини уюштиришдаги камчиликлар олинаётган билим даражаси тушиб кетишига ва тегишли равишда қатор таълим йўналишлари бўйича битирувчиларга бўлган эҳтиёжнинг пасайишига олиб келди ва натижада ўқишни тамомлагандан кейин иш жойларида уларни қўшимча ўқитиш заруратини келтириб чиқарди.

Олтинчидан, аҳоли турли тоифаларини "Ҳаёт давомида таълим олиш" тамойили бўйича касбга тайёрлаш тизимининг етарли ривожланмаганлиги аксарият катта ёшли аҳоли, шунингдек, ишсиз ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат бозорида кераксиз бўлиб қолишига олиб келди.

Еттинчидан, касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёни ва ўқувчиларни интеллектуал, маънавий-маърифий тарбиялашга юзаки ёндашиш, уларнинг бўш вақтларини банд қилишнинг самарасиз механизми ўқувчилар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноий қилмишлар сони ортишига, уларнинг ўқишга қизиқиши ҳамда давоматнинг тушиб кетишига сабаб бўлди.

Шу боис ҳам 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб 11 йиллик мажбурий бепул умумий ўрта таълим тизимига ўтилиши жамоатчилик, ота-оналар ва 9-синфлар битирувчилари томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

***— Мактаб таълим билан бирга тарбия ўчоғи ҳамдир. Бугун мактабларга юкланган тарбия масъулияти қанчалик ўзини оқлай оляпти? Бу борада халқаро тажрибалар қандай ва қайси бири миллий менталитетимизга яқинроқ?***

— Тарбия ҳозирги кунимиз — давримиз ва истиқлолимизнинг алоҳида муҳим, устувор ва стратегик масаласи эканлигини Юртбошимиз ҳамиша уқтириб, таъкидлаб келади. Бу бежиз эмас. Ўзбекистоннинг тобора жадаллашаётган одимлари, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-ахлоқий ҳамда маданий соҳаларда эришилаётган оламшумул ютуқлар, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнларининг янада тезлашуви ва бунинг шарофатидан халқимиз, айниқса, ёш авлод онгида содир бўлаётган кескин ўзгаришлар, одамлар турмуш тарзининг юксалиши каби ҳолатлар тарбия ишига ҳар қачонгидан кўра жиддий назар билан қараш заруратини юзага келтиряпти.

Хўш, бугунги кунда тарбия борасида юзага келаётган муаммоларнинг илдизи қаерда? Бизга маълумки, бола тарбиясида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган уч табаррук маконга алоҳида эътибор қаратиш лозим: уларнинг биринчиси — оила, иккинчиси — маҳалла, учинчиси — таълим-тарбия тизими. Агар шу уч маконда маънавий муҳит кўнгилдагидек бўлса, ҳамма иш яхши кечади, агар улар таназзулга қараб кетса, муаммо ортидан муаммо келиб чиқаверади. Афсуски, муайян сабабларга кўра ҳар уч маконда ҳам муаммолар анчамунча йиғилиб қолган эди.

Баъзи ота-оналарнинг ўсиб келаётган навниҳол фарзандларининг қизиқиш ва интилишларига, уларнинг онгу тафаккурида ҳар куни бир ўзгариш юз бериб, кўнглида янги-янги саволлар пайдо бўлаётганига жиддий аҳамият бермаслиги бор гап. Боз устига, баъзи ота-оналар бола олдида ўзини тутишни билмай, ахлоқ-одоб бобида ўғил-қизларига ўрнак бўлиш ўрнига аҳли оиласига қўпол муомала билан фарзандлар руҳига салбий таъсир кўрсатиши, ҳатто баъзи оилаларда боланинг маънавий оламида оғир асоратлар қолдириши мумкин бўлган оилавий ажримларнинг кун сайин ортиб бориши ёки ўзгалар бахтини кўролмаслик, фисқу фасод, иғво муҳити ҳам мавжудлигини таассуф билан қайд этиш жоиз.

Тарбия деганда, аксарият оилаларда бола билан гаплашиб қўйиш, унга насиҳат, танбеҳ бериш, таълим муассасаларида эса чиройли сўзлаш, ёқимли фазилатларни мадҳ этиш, байрамларда, тадбирларда Ватан ҳақида шеърлар ўқиш, қўшиқ айтиш, рақсга тушиш тушунилмоқда.

Узоқ йиллар давомида "узлуксиз таълим"га мутаносиб "узлуксиз тарбия" йўлга қўйилмади. Тарбия болалар таълимдан бўш вақтида амалга ошириладиган қўшимча юкламага — иккинчи даражали ишга айланди. Бунинг оқибатида тарбия узуқ-юлуқ жараён бўлиб келди. Жамиятнинг педагогик маданияти пасайиб, мактабгача таълим, мактаб педагоглари, ота-оналарнинг тарбияга оид педагогик-психологик билимлари замон талабларига етарлича жавоб бермаяпти. Аслида мактабнинг муаммоси бўлган давомат — ижтимоий муаммога юз тутиб, ички ишлар ходимлари, маҳалла фаолларининг ишига айланди.

Ана шундай хатолардан энг кўп тарқалгани — юзаки тарбия давом этмоқда. Ота-оналар, мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари, мактаб ўқитувчилари болаларга Ватанга садоқат, масъулият, тадбиркорлик ва бошқа фазилатлар ҳақида гапириб, шеърлар ўқиб, ҳикоялар қилиб бериш билан чекланмоқда. Натижада бу фазилатлар болаларнинг онгу қалбига ўрнашмаяпти. Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амалга айланмаяпти. Бунинг оқибатида ёшларнинг Ватанга садоқат, масъулият, тадбиркорлик, меҳр-оқибат ҳақида сўзлари билан ёшига мос амаллари орасида зиддият намоён бўлмоқда. Бу эса ҳар йили юз минглаб 18 ёшли ўғил-қизларнинг зарур ижтимоий компетенциялارسиз, мустақил ҳаётга тайёрланмай кириб келишларига сабаб бўлаётир.

<u>Тарбияда йўл қўйилган хатолар бирданига кўринмайди. Нотўғри тарбиянинг асоратлари орадан кўп йиллар ўтгач жамиятда инсон омили туфайли юзага келадиган ижтимоий муаммоларда кўринади.</u> Айни вақтда оммавий ахборот воситаларида жамиятда кўп учраётган ноодатий жиноят шакллари, аёллар ва ёшлар орасидаги жиноятчилик, оилавий ажримлар, коррупция, эгоцентризм, меҳр-оқибатнинг камайиши, "оммавий маданият"га кўр-кўрона тақлид, лоқайдлик, боқимандалик, экстремизм, терроризм, бегоналашув, ўзибўларчилик, масъулиятсизлик, қадриятлар инқирози, зўравонлик, хўжакўрсинлик, ёлғончилик, фирибгарлик, ахлоқий бузуқлик, эл-юрт тақдирига бефарқлик каби иллатлар кенг муҳокама қилинмоқда.

Бу ижтимоий муаммолар ёшларга аниқ фазилатлар туркумини ўргатмаслик, тарбияга юзаки, эскича ёндашувнинг оқибатларидир. Энг ёмони, тарбиядаги камчиликлар таълим сифатига ҳам зарар етказмоқда. Жумладан, ўсмир ўзини ўзи ўқитишга сафарбар қилиш фазилатига эга эмаслиги, бунга ўргатилмаганлиги пуллик таълим — репетиторлик институтини пайдо қилди.

Мамлакатимизда юксалиш даври бошланди. Янги давр шиддати таълим-тарбияга ўзининг аниқ, қатъий талабларини қўймоқда. Таълим соҳасида педагогларнинг моддий-маънавий шароитини тубдан яхшилаш, таълим сифатини оширишнинг хорижий технологиялари жорий қилинмоқда.

<u>Тарбия — таълим билан уйғун, аммо ўзига хос шарт-шароитни, узлуксизликни талаб қилувчи соҳа. Таълим билимдон ёшларни, тарбия иродаси кучли, Ватанга содиқ, тадбиркор, меҳр-оқибатли ёшларни етиштириб беради.</u> Бу эса Ўзбекистонда ёшлар тарбиясини янгиланган миллий ғоя негизида, миллий-замонавий, илмий-технологик асосда ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Тарбия соҳасида эски — умумий, мавҳум, натижасиз ёндашувдан воз кечиб, аниқ, бугунги талабларга чидамли, таянч компетенциялар, фазилатлар асосида шакллантирилган механизмларни жорий қилиш талаб этилмоқда. Бунда тарбияга тизимли ёндашиб, таянч фазилатларни кафолатли лойиҳалаштириш ва ўргатишда оила, мактабгача таълим муассасаси ҳамда умумий ўрта таълим масканларининг педагогик имкониятларини тўлиқ ишлатиш ва улар орасида илмий-методик ҳамкорликни янги даражага кўтариш орқали эришиш мумкин.

<u>Биринчидан,</u> узлуксиз маънавий тарбияни муваффақиятли амалга ошириш учун, аввало, ҳар бир эҳтиёж сезган ота-онани тарбиялашимиз, уларнинг ҳар бирини ўз фарзандига маънавий жиҳатдан шахсий ўрнак бўла олишларига эришишимиз зарур.

<u>Иккинчидан,</u> телеканаллар маънавий тарбия ўчоғига айланиши лозим. Саёз, юзаки, сохта туйғуларни илгари сурадиган, нафс ва бузуқликни тарғиб қиладиган енгил, шунчаки маиший масалаларга асосланган сериаллар ва клиплар, кўрсатувлардан ҳимояланишимиз керак. Маънавият тарғиботчиси бўлган ОАВ, жумладан, киносаноат, санъат томошабин савиясига мослашиб эмас, балки миллатни, халқни юксак маънавий қадриятлар сари эргаштира оладиган маконга айланиши шарт.

<u>Учинчидан,</u> шарқона тарбия минг йиллар мобайнида исломий ахлоқ қоидалари асосида таркиб топиб боргани тарихдан маълум. Қуръони карим оятлари, Пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари, уламо ва ҳукамоларимизнинг китоблари тарбиямизнинг манбаи бўлиб хизмат қилган. Исломий тарбия мусулмонлар ҳаётининг барча жабҳасини қамраб олган.

Маънавий тарбия ўз асосини исломдан, муқаддас эътиқодимиздан олсагина жозибадор бўлади, халқимиз қалбидан мустаҳкам жой эгаллайди. Қуръони карим, ҳадису шарифлар моҳиятини халқимиз онгига сингдириш, эътиқод билан маънавият узвийлигини таъминлаш катта самара беради.

Таълим-тарбия борасида халқаро тажрибалар ва бизнинг миллий менталитетимизга яқинроқ мамлакатлардан бири сифатида Японияни олишимиз мумкин. Япония дунёдаги энг ривожланган мамлакатлардан бири сифатида барчамизга маълум. Бу давлат ёшларни тарбиялашда "Аввал хулқ-атвор, сўнг билим" принципини устувор қўяди. Японияда мактаб ўқувчилари 4-синфга қадар имтиҳон топширмайди, фақат кичик мустақил ишлар билан чекланади, холос. Мамлакатда таълимнинг дастлабки уч йилида академик билимлар олиш у қадар муҳим ҳисобланмайди. Асосий урғу тарбияга қаратилади. Болалар инсонларни ва жониворларни ҳурмат қилишга, бағрикенгликка, раҳмдилликка, ҳақиқатпарварликка, ўзини назорат қила олишга ҳамда табиатни асрашга ўргатилади.

Японияда фуқарони тарбиялаш — ахлоқий тарбия тизими "характерни шакллантиришга йўналтирилган таълим", "давлат учун мақбул ахлоқий сифатларни тарбиялашга қаратилган фаолият", "фуқаролик ахлоқи асосларини тарбиялаш" тизими вазифасини ўтайди. Мактабларда гуруҳий бирдамликни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилади. Муҳими, боладан умумий ишда ўз ролини аниқ билиш ва шунга яраша масъулиятни ҳис қилиш талаб этилади. Бундай тарбия кўрган фуқаро жамоа муаммоларини ўзининг шахсий муаммолари сифатида қабул қилади.

Мамлакатимизда ўтган йилларда ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида халқаро ҳамда миллий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, соҳавий ёндашувга асосланган 18 та умумтаълим фани бўйича узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳалари тайёрланиб, 75 та мактаб, 39 та касб-ҳунар коллежи ҳамда 28 та академик лицейда тажриба-синовдан ўтказилди. Шу асосда ўқувчиларнинг ёш ва психо-физиологик хусусиятларига мос, узлуксиз ҳамда узвийлаштирилган, назарий билимларни амалда қўллай олиш имконини берадиган янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳаси тайёрланди. Бу каби ишларнинг йўлга қўйилиши, ўйлаймизки, айни пайтда аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган қатор муаммолар, жумладан, ўқув муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнидаги камчиликларнинг барҳам топишига хизмат қилади.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИКЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

## Бундан ҳамма бирдек манфаатдор бўлади.

1

**Жамшид ҲАСАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони масъул ходими:**

— Шу билан бирга, лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларини текшириш фақат хавфни таҳлил қилиш тизими орқали ўтказилиши белгиланган.

Шунингдек, мазкур Фармон қабул қилинишидан олдин тадбиркорлик субъектларидаги лицензия ҳамда рухсат этувчи ҳужжатларнинг асоссиз бекор қилиниш ҳолатлари ҳам аниқланган эди. Ушбу Фармон ва кейинчалик қонунлар билан лицензия ҳамда рухсат этувчи ҳужжатларнинг фақат суд тартибида бекор қилиниши белгиланмоқда.

**Ажиниёз СЕЙТЕКОВ, Савдо-саноат палатаси бошқарма бошлиғи ўринбосари:**

— Мазкур Фармон билан палатамиз зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юклатилди. Жумладан, лицензия ва рухсат этиш ҳуқуқига эга ҳужжатларни жорий қилиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини эндиликда мажбурий равишда Савдо-саноат палатаси билан келишиш лозимлиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда лицензия ва рухсат этишга доир қонун талаблари ҳамда шартларига риоя қилиш аҳволини ўрганиш, яъни мазкур жараёнда жамоатчилик назоратини ўрнатиш ваколати Савдо-саноат палатасига ҳам берилди.

**Адҳам ТУРДИЕВ, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи:**

— Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш орқали мингга яқин бюрократик жараёнларни қисқартириш назарда тутилган. Жумладан, риэлторлик, аудиторлик, юкларни шаҳар ва шаҳар атрофида ташиш фаолиятида лицензиялаш қисқартирилиши белгиланди.

Қайд этиш керакки, бекор бўлаётган фаолият турлари билан бугунги кунда 20 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари шуғулланмоқда.

Айрим фаолият турлари Тошкентга келиб-кетишни талаб этади. Уларнинг қисқартирилиши эса ортиқча вақт ва харажат қисқаришига олиб келади.

**Алиусмон ЎЗСОЙ, туркиялик инвестор:**

— Биз Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига энергетика таъминоти учун техникалар етказиб бериш билан шуғулланамиз. Фармоннинг қабул қилиниши айни муддао бўлди. Эндиликда тадбиркорлик фаолиятидаги қоғозбозлик 80 фоизга қисқаради. Бу эса биз каби соҳа вакиллари учун катта қулайликдир.

Бундан ташқари, мазкур ҳужжат хорижий инвесторларнинг мамлакатга бўлган қизиқишини ошириши билан ҳам эътиборга молик.

**Фарҳод ЖАББОРОВ, тадбиркор:**

— Илгари лицензия олиш масаласида анча қийинчиликлар бўларди. Турли оворагарчиликлар, керак бўлмаган ҳужжатлар, тўловлар мавжуд эди. Фармон билан ана шундай камчиликларга чек қўйилмоқда.

Шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, деган лицензияларнинг бекор қилиниши транспорт воситаларида юк ташувчи тадбиркорларга жуда катта ёрдам бўлди. Ўйлайманки, бу фикрга кўпчилик қўшилади.

**«Халқ сўзи».**

# ТИЗИМДАГИ МУАММОЛАР БИРОВНИКИ ЭМАС, ЎЗИМИЗНИКИ

*Ҳар қандай давлат ва жамият учун ҳал этувчи масалалардан бири, шубҳасиз, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдир. Шу боис юртимизда мазкур соҳа ривожи ҳамда тараққиётига алоҳида эътибор қаратиляпти. Буни тизимдаги ўзгаришлар ҳам тасдиқлайди. Хусусий тиббиётни ислоҳ қилиш, тиббий марказлар, шифохоналарни зарур дори-дармонлар билан таъминлаш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, ушбу йўналишда коррупциянинг олдини олиш борасида ҳам кенг қамровли тадбирлар олиб борилаётгани диққатга сазовор.*



### Тиббиёт

Тўғри, ютуқлар ўзимизники. Аммо тизимдаги ўз ечимини кутиб турган айрим масалалар ҳам бировники эмас. Уларни бартараф этиш юзасидан ҳам кейинги уч йил ичида юртимизда фуқаролар мурожаатлари, фикр-мулоҳаза ва таклифлари ўрганилиб, тиббиёт тармоғини чуқур ислоҳ қилиш бўйича 170 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони асосида 2019 — 2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ва дастур тасдиқланди. Буларнинг барчаси бирламчи тиббий санитария, шошилинч ҳамда тез тиббий ёрдам бўғинидан тортиб, юқори тузилмаларда иш фаолиятини ташкил этишда асосий эътиборни инсон омилига йўналтириш, тиббий хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини халқаро мезонлар даражасига етказиш борасида янги имкониятлар яратмоқда.

Бугунги кунда тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида юртимизда 800 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари, қарийб саккиз юзта қишлоқ ҳамда 178 та шаҳар оилавий поликлиникалари фаолият юритяпти. Уларда аёллар саломатлиги хоналари, ижтимоий дорихоналар, туну кун ишлайдиган тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилиб, 5 та тор соҳа мутахассислари фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Яна бир жиҳатни эътироф этмаслик мумкин эмас. Яъни репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурлар ижроси бу борадаги ишларни янада ривожлантирди. Ҳудудлардаги болалар даволаш муассасаларида аввал бўлмаган неонаталь хирургия, кардиохирургия, инвазив хирургия каби янги бўлимларда мураккаб даволаш амалиётлари ўтказилаётир. Бундан халқимиз ғоят миннатдор.

Дарвоқе, давлатимиз томонидан шифокорларнинг залварли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг иш ҳамда турмуш тарзини яхшилаш, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Айниқса, мазкур ишлар айни пандемия даврида юқори босқичга кўтарилганига барчамиз гувоҳмиз. Уларнинг замон қаҳрамонларига айланганини ҳам шарафли ҳамда масъулиятли касблари туфайлидир.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом келажакни бунёд этишнинг дадил қадамлари, албатта, янги қирралар билан юз очди. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ютуқлар қувонарли, бироқ соҳани янада ислоҳ қилиш борасида ҳамиша ҳаракатда бўлмоғимиз зарур.

**Мавлуда ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

## *фаолиятига нима тўсқинлик қилмоқда?*

*Кейинги вақтларда юз берган Бухоро, Сардоба воқеалари, бутун дунёда бўлгани каби катта ташвиш келтирган пандемия шароитида, айниқса, мамлакатимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, чин маънода, катта куч эканликларини намоён этиб, вужудга келган муаммоларни бартараф қилишни давлат ташкилоти ва идоралари билан баробар ўз зиммаларига олдилар. Ҳукумат томонидан бирор-бир топшириқ бўлишини кутиб ўтирмасдан илк ташвишли кунларданоқ талафот кўрган оилаларга ёрдам бериш акцияларини бошладиларки, булар ўзининг ижобий самарасини бериб, танг ҳолатга тушиб қолган аҳоли муаммоларини бирмунча камайтиргани, мамлакатдаги ижтимоий муҳитнинг барқарорлашишига ҳисса қўшгани, шубҳасиз.*



### Долзарб мавзу

Бироқ бугунги кунда мамлакатимизда 10 мингга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжудлигини инобатга олсак, улар фаолиятини қониқарли дейишга ҳали эрта. Бинобарин, Президентимизнинг 2018 йил 4 майдаги фуқаролик институти жамиятлари ҳақидаги Фармонида таъкидланганидек, давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқот механизмлари йўлга қўйилмаган, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эҳтиёжлари ҳануз тизимли таҳлил қилинмаяпти. Давлат ҳамда жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун самарали майдонлар яратилмаган. Иккинчи томондан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш даражаси пастлиги бу ташкилотларнинг кучи ҳамда салоҳиятини сафарбар этишга имкон бермаяпти.

Кейинги йилларда биргина тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Президентимиз томонидан ўнлаб қарор ва фармонлар имзоланди. Унга кўра, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, тармоқ олдидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш баробарида, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, ишсиз аёлларни талабгор касбларга ўргатиш, гендер тенгликни таъминлаш каби масалаларга катта эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, ҳар гал давлатимиз раҳбари томонидан ўтказиладиган мавзу муҳокамасига доир йиғилишларга катта тайёргарлик кўрилади. Масъул идоралар томонидан ҳақиқий ҳолат бўйича сўровномалар, таҳлиллар, мавжуд ҳолат ва муаммоларни ечиш бўйича жамоат ташкилотларидан ҳам муайян таклифлар олинади. Аммо ушбу таклифлар юзасидан қабул қилинаётган қарор ёки Фармоннинг ижроси яна давлат ташкилотларининг ўзига юкланади. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳолатни яхшилаш, соҳани ривожлантириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича бераётган таклиф ва ташаббуслари кейинги муҳокамаларгача яна жавобсиз қолади ёки “мослаштирилиб” вазифа сифатида шундоқ ҳам топшириқларга “кўмиб ташланган” давлат идора ҳамда ташкилотларининг зиммасига юкланади. Ижро интизоми ва сифати кутилган натижадан анча йироқ бўлади.

Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан маҳаллий ҳамда халқаро институтлар билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг иқтисодий, ҳуқуқий билимларини ошириш, қайта касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш ҳамда оилавий корхоналар ташкил этиш борасида 100 га яқин лойиҳалар амалга оширилди. Натижада 50 минг нафар аёл бизнес юритиш асослари ҳамда методикасига ўргатилиб, ўз бизнесларини ташкил этди. Ташкилот аъзолари томонидан 130 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Мамлакатимиз чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган фойдали меҳнат билан банд бўлмаган хотин-қизлар бандлиги ошди. Лекин бу етарли эмас. Чунки бугунги кунда жойларда тадбиркорликни бошлаётган ва фаолият юритаётган хотин-қизлар эҳтиёжларига кўра хизмат кўрсатиш, уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Хотин-қизлар бандлигини ошириш, аёллар тадбиркорлигига кўмаклашиш йўналишидаги фаолиятимиз самарадорлигини кўтариш бўйича билдирган таклифларимиз қўллаб-қувватланмаяпти. Сабаби собиқ Хотин-қизлар қўмитаси томонидан кўплаб ижтимоий вазифалар қаторида, аёллар тадбиркорлиги соҳаси мувофиқлаштирилиб келинган. Бу ҳолат аёллар тадбиркорлигининг профессионал ривожланишига катта тўсиқ бўлган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бизнес инкубаторлар ва тадбиркорлик марказлари орқали аёллар тадбиркорлигини кенг қулоч ёйдириш бўйича таклифларимиз тадбиркорликни, хусусан, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича Президент фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларида ўз аксини топмоқда. Бироқ аёллар тадбиркорлигининг ўзига хослиги ҳисобга олинмай, унинг ижроси хотин-қизларнинг ижтимоий масалаларини ҳал этишга ихтисослаштирилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ёки умумий тартибда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги қошидаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Савдо-саноат палатаси каби ташкилотларга юкланмоқда. Бизнес кўникмаларига ўқитишда яхлит тизим ва кейинги қўллаб-қувватлаш механизмининг давомийлиги йўқлиги учун қисқа ўқув курслари бир маротабалик тадбирга айланиб, натижадорлик бўйича мониторинг тизими яратилмаган.

Белгиланган чора-тадбирлар ижросига Давлат бюджети ва бошқа манбалардан катта маблағлар кўзда тутилади. Биргина аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан ҳар йилга 100,0 миллиард сўм маблағ ажратилган. Имтиёзли кредитлар берилишининг мукаммал тартиблари ишлаб чиқилмаган. Фонд кредитлари бизнесга лаёқати бор хотин-қизларга эмас, қийин ижтимоий ҳолатга тушиб қолган аёлларга бериб юборилиши оқибатида, ушбу кредитлар ижтимоий оғир аҳволдаги хотин-қизларнинг тирикчилик манбаига айланган. Лойиҳаларнинг самарадорлиги, ҳақиқий талабгорларга иқтисодий нафи ҳисобга олинмаган. Натижада олинган имтиёзли кредитларнинг катта қисми қайтарилмаган. Бу борадаги вазиятни ўнглаб, имтиёзли кредитларни ҳақиқий тадбиркорлик қилиш ниятида бўлган хотин-қизларга йўналтириш борасида собиқ Хотин-қизлар қўмитасига ҳамкорлик борасида берган таклифларимиз жавобсиз қолган.

Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича мамлакатимизда аёлларнинг гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизлар тадбиркорлиги соҳасида самарали фаолият юритиш механизмларини такомиллаштириш борасидаги ишларни тизимли ташкил этиш, Ўзбекистонни Аёллар тадбиркорлиги глобал индексига қўшиш орқали мамлакатимизда “Doing business” Жаҳон банки индексининг бизнес бошлаш, мулкни рўйхатдан ўтказиш, кредит олиш, халқаро савдо индикаторларини яхшилаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф этиб, 2020 йил 19 февраль куни Президент Администрациясига мурожаат йўлладик. Ушбу мурожаатни ўрганиб, тегишли тартибда масалани Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига киритиш бўйича 2020 йил 25 февраль куни Администрация раҳбари имзоси билан Бош вазир ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатасига кўрсатма (фишка) чиқарилди. “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган таклифлар Савдо-саноат палатаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан тўлиқ, Молия вазирлиги томонидан қисман қўллаб-қувватланишига қарамай, манфаатлар тўқнашуви ҳисобига Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан ижобий хулоса берилмади. Бу билан мамлакатимизда аёллар тадбиркорлиги ривожи масаласи яна мавҳумлигича қолиб кетди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Президент Администрациясига “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Мустақил комиссия томонидан манфаатлар тўқнашувисиз адолатли кўриб чиқилиши ва Вазирлар Маҳкамасига тегишли тартибда киритилишида амалий ёрдам кўрсатилишини сўраб такрорий хат бердик, афсус у ҳам ҳозиргача жавобсиз.

Яна бир мисол. АҚШда ишбилармон аёллар ташкилотлари ассоциацияси мавжуд. Ташкилот жамоатчилик асосида фаолият юритиб, ташкилий тузилмаси нодавлат ҳисобланади. Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси саъй-ҳаракати эвазига ана шу ташкилот билан алоқа ўрнатилибди. Улар Ўзбекистондаги жамоат ташкилотлари, хусусан, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси билан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш масалаларида ҳамкорлик қилиш истагини билдирган. Бу ҳақда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги хатини олдик. Бироқ бир неча кундан сўнг АҚШ жамоат ташкилоти билан мамлакатимиздаги давлат ташкилоти ҳамкорлик қилиши ҳақида қарор қабул қилинганидан хабардор бўляпмиз.

Хуллас, мамлакатни иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион ғояларни таклиф қилувчи фаол, ўзининг ташаббусларига таяниб фаолият кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари лозим даражада амалга оширилмаяпти, нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техника таъминоти ҳанузгача қониқарсиз ҳолатда, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ўрта муддатли ва узоқ муддатли кенг кўламли ҳамда умумреспублика миқёсидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга имкон бермаяпти.

Бизнинг мақсадимиз эса аниқ: Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиш, ҳукуматга елкадош бўлиш, ўзимиздаги орттирилган бор тажриба ва малакани мамлакат иқтисодиёти ривожига сафарбар этиш. Давлат ташкилот ҳамда идоралари билан ҳамкорликда Фармон ва қарорларда белгилаб берилаётган стратегик вазифаларни уддалаш. Ўзбекистонни янги босқичга олиб чиқиш жараёнида фаол иштирок этиш.

**Гулнора МАҲМУДОВА, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА




Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, “Шуҳрат” медали соҳиби **Поён РАВШАНнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 31 961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ғаффоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг
ISSN 2010-6788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6